ПАРТИЯ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИНИНГ НАМОЙИШИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 263 (13.219).
10 НОЯБРЬ 1965 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

МАМЛАКАТИМИЗДА УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРАМИ СОВЕТ ХАЛҚЛАРИНИНГ МОНОЛИТ БИРЛИГИ, ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИГИ, ЛЕНИНЧА ПАРТИЯГА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТИНИНГ ЁРҚИН ТАНТАНАСИГА АЙЛАНИБ КЕТДИ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ОДИМИ

Қалбларда байрам тантанаси ҳамон жўш урмоқда, хонадонларда шодиёна ҳукмрон. Дилларда, тилларда кечагина бўлиб ўтган улуғ айём дабдабасининг зўр нашъу намоси бор. Мамлакатимиздаги минглаб қизил майдонларда гурс-гурс одимлаб ўтган матонатли совет кишилари азм-қудратларини жонажон Ватан олдида, эл-юрт олдида улкан тантана билан намойиш этдилар.

Москва ва Таллинда, Минск ва Киевда, Тбилиси ва Ереванда, Боку ва Фрунзеда, Олмаота ва Нальчикда, Душанба ва узоқ Сахалинда, Рига ва Вильнюсда, яна ўн минглаб шаҳар ва қишлоқларимизда ғолиб Октябрь байроғи бошимиз узра ҳилпираб, миллионларнинг ленинча Коммунистик партияга, мўътабар она-юртга чексиз меҳр-садоқатларининг ифодаси бўлди. Тинимсиз янграган шодлик таронаси мамлакат бўйлаб таралди. Аммо муаффар инсонларнинг «ураси қўшиқ-куйдан ҳам салобатлироқ жаранглади, зотан соз овози қалбларгагина етиб боради, ғолиб совет кишисининг овози эса фазоларни, кўз илғамас бўшлиқларни ҳам ларзага солди.

Бу — содиқ гражданларнинг Ватан ва Коммунистик партияга ғалаба рапорти, азамат етти йилликни халқ хўжалигининг барча тармоқларида муддатидан олдин бажарган меҳнат аҳлининг — миллион-миллион қалбларнинг Ҳимолай чўққиларидан ҳам баланд, океанлардан теран ғурур тўла овози эди. Бу — улкан қонадонимиздаги катта-кичик халқлар ўртасидаги бузилмас дўстлиқнинг қудратли жарангоси, азамат совет халқининг зафар бонги эди. Бу овоз шу қадар қудратли, шу қадар қаётбахшки, эндиликда ер курраси ҳеч қандай куч уни тўхтата олмайди. Совет халқининг куч-қудрати ленинча Коммунистик партия билан монолит бирлигидадир. Бу бирликнинг элчиси эса шонли Октябрь, марксизм-ленинизмнинг ўлмас ғояларидир. Бундан буён ҳам биз ҳамиша зафар қучамиз, ғалаба қиламиз, толе ва бахт-саодат эса бизга мангу ёрдир.

Бугунги зафарларимизнинг ўзига бир назар ташланг. Бу иттифоқдош республикаларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси қуёшли Ўзбекистон мисолида ҳам кўзга яққол ташланиб қалбларни севинчларга тўлдирмоқда. Азамат ўзбек халқи пахтачилигимиз тарихида мисли кўрилмаган тез суръатлар билан одимлаб, Ватан омборига 3 миллион 700 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этди. Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Андижон областлари ва Қоракалпоғистон пахтакорлари топшириқни муддатидан илгари бажариб, ана шу ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Бухоро ва Сирдарё областлари ғалаба арафасида турибдилар.

Республикамиз фақат «оқ олтин»и билангина эмас, пилласи ва қоракўл териси, тухум, жун ва сабзавоти, ҳўл меваси ва тилларанг ширин-шакар узуми, ғўзт ва қаймоғи, каноп пояси ва тамакиси билан ҳам минг бор фахрланса арзигулик. Ер неъматларни мўл-кўл етиштириб бераётган меҳнатсеварлар ҳам шонли Октябрь ёрқин юз билан кутиб олдилар. Қудратли саноатимиз алп қадамлар билан тинмай илгарилаб бормоқда, аҳолига саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш йил сайин ўсмоқда. Фан ва маориф, адабиёт ва санъат, маданиятнинг турли тармоқлари барқ уриб ривожланмоқда.

Республикамизнинг бугунги куни ана шундай гўзал ва кўркам, эртаси эса ундан ҳам ажойиб ва порлоқдир. Бу порлоқ эртанинг бунёдкорлари биз ва сиз, бизларнинг қалб кўри билан қилаётган шонли меҳнатимиз, азиз дўстлар, қон-қариндошлар. Кўкўпар «оқ олтин» ҳиромонлари яратаётганлар ҳам, мураккаб машиналарни тилга киргизаётганлар ҳам, кўркам бинсларнинг меъморлари ҳам, фан ва техниканинг ижодкорлик ҳам, маъмурчилигимизнинг бош омилкорлари ҳам бизлар, бизларнинг гул қўлларимиздир.

Зафар зафарга чорлайди, тараққиёт янги режалар билан меҳнат қилишга бошлайди. Ғалабамиз қанчалик улкан бўлмасин, олдимизда турган вазифаларимиз ундан ҳам каттароқдир.

«Оқ олтин» диёрининг меҳнатсевар азаматлари пахтадан олган қўшимча мажбуриятларини ҳам бажариш арафасида турибдилар. Бир грамм ҳам олтинимизнинг ерда қолмаслиги учун кураш ва келаси йил ҳосили учун ҳозирдан замин тайёрлаш республика пахтакорларининг Ватан олдидаги муқаддас бурчидир.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми саноатнинг янги уфқларни очишнинг аниқ ва пухта режаларини белгилаб берди. Пленум қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориш, саноат корхоналарининг рентабеллигини таъминлаш, маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш, уни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш республика саноат корхоналари коллективларининг биринчи галдаги вазифаларидир. Корхона партия ташкилотлари Пленум қарорларининг тўла амалга оширилиши учун бутун чора-тадбирларни кўрмоқлари зарур. Корхонани бошқариш ишини қайта қуришда партия ташкилотлари ишчиларга компас бўлиб йўл кўрсатишлари керак.

Социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтарайлик, у мингларнинг ташаббус ва ижодкорлик кўрсатиб меҳнат қилишининг илҳомбахш воситаси бўлсин. Бу меҳнат самараси диллерни хушнуд этсин, хонадонимизга нур, тўкин дастурхонимизга янада файз киритсин. Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан аъло ишлаш бош шиоримиз бўлсин, меҳнатдаги ғалабаларимиз кўпаяверсин.

Янги ғалабалар сари ҳужум бошлайлик, азиз биродарлар, шонли Коммунистик партиямиз кўкимизда йўлчи юлдуз бўлиб, кўз илғамас уфқлар сари бошлайверсин. Зафар бизга ёр бўлсин, азиз ватандошлар.

ЙЎЛИМИЗ ОКТЯБРЬ НУРИ БИЛАН МУНАВВАР!

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ПАРАД ВА НАМОЙИШ

Қизил майдон шу билан қирқ саккиз марта Октябрь либосига бурканмоқда. Октябрнинг бир йаллик байрамида Ленин Қизил майдонда нутқ сўзлаб, революциянинг ҳалоқ бўлган курашчилари хотирасини ҳурмат билан тилга олган эди. Ана шу табаррук айёмдан бери совет кишиларининг қанчаданқанча авлодлари бу майдонни зиёрат қилмади, дейсиз! Ана шу курашчиларнинг шонли ишини давом эттираётган кишиларнинг не-не авлодлари социалистик Ватан тарихидаги буюк боскичларни нишонлаш, ленинизм идеяларига содиқлиги ва вафодорлигини намойиш қилиш учун ҳўҳна Кремль деворлари ёнидан саф тортиб ўтмади дейсиз!

...ГУМ биносининг олд томонига жуда катта қизил байроқ тикилган. Байроқда Владимир Ильич Ленининг портрети бор. Иттифоқдош республикаларнинг байроқлари шабадада ҳилпираб турибди.

Меҳмонлар минбарларни лиқ тўлдиришмоқда. Бу ерда саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғор кишиларини, олимларни, адабиёт ва санъат арбобларини, лашкарбошиларни, барча иттифоқдош республикалардан келган делегацияларнинг аъзоларини кўриш мумкин.

Таклиф қилинган кишилар орасида кўпгина давлатлардан келган меҳмонлар, дипломатик корпус аъзолари бор.

Партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков ўртоқлар Мавзолейнинг марказий минбарига чиқишади.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Куба бош министрининг ўринбосари ва революцион қуролли кучлар министри ўртоқ Рауль Кастро Рус ҳам марказий минбарга чиқади.

Соат 10.00. Традицион ҳарбий парад бошланади.

Парадни қабул қилувчи—СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский Кремль Спасский башнясининг дарвозасидан очиқ машинада чиқиб келади. Ҳарбий академиялар ва ўқув юртларининг майдонда саф тортган колонналари «Смирно!» командаси билан тек қотиб турибдилар. Парад қўмондони армия генерали А. П. Белобородов қўшинларнинг парадга шай бўлиб турганлиги ҳақида министрга рапорт беради. Маршал жангчилар билан саломлашиб, уларни Октябрь байрами билан қутлайди.

Мудофаа министри қўшинларни айланиб бўлгач, Мавзолей минбарига чиқиб нутқ сўзлади.

Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. МАЛИНОВСКИЙ нутқи

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Ҳурматли чет эллик меҳмонларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Совет ҳукумати номидан ва уларнинг топширувига биноан, сизларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ саккиз йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

Совет халқи инсониятга эксплуатация ва жабр-зулмдан халос бўлиш йўлини очиб берган Октябрнинг шонли йиллигини коммунистик қурилишда янги-янги муваффақиятлар билан нишонламоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашлари партия Марказий Комитети сентябрь Пленуми, СССР Олий Советининг олтинчи сессияси қарорларини яқдиллик билан маъқулладилар ва ўз куч-ғайратларини ана шу қарорларни амалга оширишга сафарбар этмоқдалар.

Пленум саноатга раҳбарликни яхшилаш, унинг иш самараларини ошириш юзасидан илмий асосга эга бўлган тадбирларни ишлаб чиқади. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши Совет давлатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада кучли суратда юксалтиришга, халқ фаровонлигини яхшилашга ёрдам беради, коммунизм сари олға босишимизни тезлаштиради.

КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси бутун беполён мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзда. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари жонажон партиянинг бўлажак съездини ватанпарварлик ишлари билан нишонлаш ҳозирлик кўрмоқдалар, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш суръатларини янада тезлатишга ҳаракат қилмоқдалар.

Қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари янги ҳаётни барпо этишда каттагина ютуқларга эришдилар. Жаҳон социализм системаси йил сайин ўз позицияларини мустаҳкамламоқда, умрини яшаб бўлаётган капитализмга нисбатан мислсиз афзалликларга эга эканлигини тобора яққолроқ намойиш қилмоқда.

Бизнинг партия ва ҳукуматимиз ўз халқининг, бутун дунё меҳнаткашларининг асл манфаатларини ифода этиб, тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан ва оғишмай ўтказиб келмоқдалар, жаҳон урушининг олдини олиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Советлар мамлакатининг ташқи сиёсатдаги йўли—ленинча қатъий ва изчил йўл бўлиб, социалистик ҳамдўстликни жипслаштиришга, ёш миллий давлатлар билан муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга, миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Бизнинг ташқи сиёсатимиз антиимпериалистик кучларни жипслаштириш ишига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда бу жипслик жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Америка империализми бошқа мамлакатларнинг ишларига сурбетларча қуролли йўл билан аралашиб, бу билан халқаро кескинликни кучайтирмоқда. Жанубий Вьетнамга қарши агрессияни ва Вьетнам Демократик Республикасига осмондан қилаётган ваҳшёна ҳужумларини авж олдиришни давом эттирмоқда.

Европада тинчлик ишига солинаётган хавф-хатар тобора жиддийлашиб қолмоқда. Бонн реваншчилари Ғарб давлатлари ҳукмрон доираларининг мадади билан ҳарбий кучларни кўпайтирмоқдалар, ядро қуролини қўлга киритиб олишга ошкора уринмоқдалар.

Вужудга келган шароитда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, бутун халқимиз ҳушёрликни оширмоқдалар, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини кучайтириш, шавкатли Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Совет ватанпарварлиги руҳида ва империалистик агрессорларга шафқатсиз нафрат руҳида тарбияланган Совет Армияси ва Флотининг шахсий состави совет халқига ва ўзининг интернационал бурчига ҳамиша содиқ бўлиб қолади.

Коммунистик партиянинг буюк ишига чексиз садоқатли бўлган совет жангчилари Октябрь социалистик революциясининг оламшумул-тарихий ғалабаларини зийраклик билан қўриқламоқдалар, коммунизм қураётган ўз халқининг тинч яратувчилик меҳнатини ҳушёрлик билан муҳофаза қилмоқдалар. Совет жангчилари ҳар қандай агрессорни тор-мор келтиришга, ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини шараф билан қатиқ туриб сақлаб қолишга, қардош армияларнинг жангчилари билан бир ёқадан бош чиқариб, жаҳон социалистик ҳамдўстлигидаги барча мамлакатларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамиша тайёрдирлар.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ саккиз йиллиги!

Яшасин буюк совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва Совет ҳукуматига шон-шарафлар!

Ура!

Бунга жавобан уч бор такрорланган «Ура!» садоси майдонни мавжлантириб юборади. Тўплардан ўқ узиб берилган салют садолари осмонни ларзага келтиради. Оркестр Совет Иттифоқи гимнини ижро этади.

Байрам ҳарбий парадини кўришга неча марталаб мушарраф бўлмайлик, бу манзара ҳар гал кишини ўзига бошқатдан жазб этади ва дилни тўлқинлантиради. Тўғри бурчак шаклида ўтиб бораётган академияларнинг колонналаридан кўз узиб бўлмайди: қадди-комати келишган ёш офицерларнинг ҳамма ҳаракати — сафдаги сарбастлиги ҳам, дуркун-дуркун одими ҳам ўзига ярашади.

... Оркестр майдонни бўшатиш учун ГУМ тарафга юради. Тарих музейнинг орқа томонидан моторларнинг бир маромдаги шовқини эшитилади. Бир неча сафга тизилган бронетранспортерлар майдонга кириб келади. Суворов ордени Қизил байроқли М. И. Калинин номидаги Тамань гвардиячи мото ўқчи дивизияси ўтмоқда.

Унинг кетидан бир тўп пўлат машиналар елиб келмоқда. Бу — ажойиб совет танкларининг янги «авлоди» бўлиб, душманни оддий уруш шароитида ҳам, ядро уруши шароитида ҳам батамом янчиб ташлашга қодирдир. Булар тезлиги, маневрчанлиги, устидаги совути ва қуролларининг қудрати жиҳатидан жаҳонда энг яхши танклар ҳисобланади. Уларнинг мукаммал тўплари ҳар қандай танкнинг зирҳини теша олади.

Мана, мамлакатни ҳаво ҳужумидан ҳимоя қилувчи қўшинларнинг ракета техникаси майдонга қадам қўйди. Колоннада бошқариладиган зенит ракеталарининг ҳар хил турлари бор.

Бизнинг зенит комплексларимиз ҳар қандай замонавий самолётни ёки учқир ракетани, аксар, битта зенит ракета билан яксон қилиш имконини беруччи юксак жанговар фазилатларга эгадир.

Ана, узоқ масофаларга учувчисиз парвоз қиладиган ракеталар келмоқда. Булар, баллистик ва учқир ракеталарга қарши ҳам, сомолётларга қарши қурашда ҳам ишлатиладиган универсал воситалардир. Бундай воситалар ҳимоя қилинаётган объектлардан жуда узоқ масофаларда агрессорга қарашли баллистик ракеталарининг ядроли жанговар қалпоқларини йўқ қила олади.

Сув ости кемаларининг ракеталари Ҳарбий-Денгиз Флотининг байроғи остида майдондан ўтади.

(Охири иккинчи бетда).

УМУМХАЛҚ ТАНТАНАСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

7 ноябрь кечқурун Кремлнинг Съездлар саройи чароғон бўлиб кетди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги муносабати билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати ўтказган қабул маросимида қатнашмоқ учун бу ерга икки мингга яқин киши келди.

Байрамда қатнашмоқ учун Москвага келган коммунистик, ишчи ва миллий-демократик партияларнинг вакиллари, шунингдек чет эл делегациялари, чет мамлакатларнинг дипломатлари, журналистлар, олий мансабли дин арбоблари қабул маросимига таклиф қилинган.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларини самимий кутиб оладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев меҳмонларни табриклаб, нутқ сўзлайди.

Партиямиз Марказий Комитети Президиуми ва Совет ҳукуматининг топшириғига биноан, дейди у, шу қабул маросимининг барча қатнашчиларини, сизлар орқали эса бутун совет халқини, шонли ишчилар синфимизни, колхозчи деҳқонларни, интеллигенциямизни мамлакатимизнинг энг катта байрами билан, бутун дунё меҳнаткашлари меҳр-муҳаббат ва ҳурмат билан нишонлаётган тантаналли айём — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги билан чин кўнгилдан табриклайман.

Кўпгина мамлакатлардан келган меҳмонлар, қардош социалистик давлатлар ва бошқа дўст мамлакатларнинг вакиллари, бизнинг маслакдош биродарларимиз—чет эллик коммунистлар шу ерда ҳозир бўлишган. Ана шу тантаналли кунда совет кишиларининг шодлигини, эришилган муваффақиятлардан уларнинг фахрланаётганликларини, бизни кутиб турган катта ишлар ғуфайли совет кишиларининг завқ-шавқини дўстларимиз ҳам баҳам кўраш имконигига эга бўлганлигидан мамнунмиз.

Партиямиз ва давлатимизнинг шу ерда ҳозир бўлган таниқли вакиллари — Марказий Комитет ва Совет ҳукуматининг аъзоларини, шонли Совет Армиямиз командирларини, бугунги парад қатнашчиларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорларини, интеллигенция вакилларини, фан ва санъат арбобларини байрам билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Биз иттифоқдош республикаларимиздан келган қадрли меҳмонларни табриклаймиз.

Азиз ўртоқлар, ҳаммамизнинг буюк ишимиз — коммунизм қуриш, ажойиб совет халқимизнинг тинчлиги ва бахт-саодатини таъминлаш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш йўлидаги самарали меҳнатингизда сизларга янгидан-янги зўр муваффақиятлар тилаймиз. Ҳаммаларингизга ижтимоий ва шахсий қаётдаги барча муваффақиятларнинг бамисоли моддий-техника базаси бўлган бардамлик ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Бу ерга келган дипломатия корпуси вакилларини ҳам табриклашга ва улар ҳам мустаҳкам тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик бўлсин, деган гилагимизга қўшиладилар, деб умид қилишга ижозат бергайсиз.

Л. И. Брежнев Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги шарафига, ленинча Коммунистик партия шарафига, ўз туғилган кунини нишонлаётган Совет давлати шарафига, инсониятга коммунизм йўлини очиб бераётган совет халқи шарафига, ҳозирги замоннинг энг буюк революцион кучи — социализм мамлакатларининг қудратли ҳамдўстлиги шарафига, тинчлик ва барча халқлар ўртасида дўстлик шарафига табрик сўзлари айтади.

Л. И. Брежневнинг нутқи қарсаклар билан неча марталаб бўлиниб турди.

Қабул маросими самимий вазиятда ўтди.

Қабул маросими қатнашчилари учун концерт қўйиб берилди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ирригация ва совхозлар қурилиши Ўрта Осиё Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Михаил Иванович КИЧАНОВ

оғир касалликдан кейин вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Москвада Улуғ Октябрнинг байрам қилиниши. Суратда: Қизил майдонда меҳнаткашлар вакилларининг намойиши.

А. Стужин фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Тошкентда Улуғ Октябрнинг байрам қилиниши. Суратларда В. И. Ленин майдонида ҳарбий парад.

А. Тўраев, И. Душкин ва Г. Пун фотолари, (ЎзТАГ фотохроникаси).

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ОФАРИН СИЗЛАРГА,

„Гулбоғ» совхози Андижон областининг йирик ва илғор хўжаликларидан бири ҳисобланади. Совхоз пахтакорлари бу йил давлатга сотган пахтадан тайёрлов пунктида «оқ олтин» тоғлари ҳосил бўлди. Суратда: совхоз пахта тайёрлаш пункти.

САНЪАТКОРЛАР ТАБРИГИ

Паҳлавон Андижон области пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли бажарганлиги биз санъаткорларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Шу ғалаба айёмида биз уларга самимий юрак сўзларимизни изҳор этамиз, пахтачиликни ривожлантиришдаги буюк ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Хизматингизга ҳамиша тайёрмиз, Андижон азаматлари!

Каримжон ХОНКЕЛДИЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

ПАХТАКОРЛИК ШАРАФИ

А. ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон КП Андижон область комитетининг биринчи секретари.

◆ ◆

Паҳлавон областимиз пахтакорлари маррага етиб келдилар. Пахта тайёрлаш йиллик плани бутун совет халқи Улуғ Октябрнинг шонли 48 йиллигини нишонлаётган қувончли дамларда бажарилди. Ватан Андижоннинг 766 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин»ини қабул қилиб олди. Етти йил ичида эса давлат омборига 5 миллион 200 минг тоннага яқин пахта топширилди.

Деҳқон учун бу йилнинг ўзига яраша хосияти, ўзига яраша салмоғи, мазмуни бор. Бу йил пахтадан мўл ҳосил олиш жиҳатидангина эмас, унинг сифати ғоят юксак бўлганлиги жиҳатидан ҳам ажойиб йил бўлди. Тайёрланган пахтанинг 90 процентининг биринчи сортларга топширилди. Бу — хўжаликлар, пахтакорлар оладиган даромадни кўпайтириш учун катта аҳамиятга эга.

Бугунги меҳнат ғалабаси осонлик билан қўлга киритилмади. Ҳаво қуруқ келди, сув камчил бўлди. Дарёларда, сойларда, каналларда, жилғаларда сув бултургига қараганда жуда кам оқди. Деҳқончилик рисоласида қутилмаган қийинчиликлар туғилди. Сув камчиллиги ҳам деҳқонларимизнинг пўлатдек мустаҳкам иродасини буколмади. Сув камоб жойларда кучли насослар қўл келди. Область колхоз, совхозларида 6.000 дан ортиқ насос ўрнатилди. Деҳқонлар олиб борган жангу жадалда, кураш ва ғолибона юришда унинг илғор отряди — коммунистлар етакчилик қилдилар. Натижада табиий офат енгилди. Сув оз бўлса ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

Баракали хирмон кўтаришда бошқа муҳим омиллар ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади. КПСС Марказий Комитети March Пленуми кишиларнинг ташаббус кўрсатиб ишлашига, маҳорат, камолот ва ижодкорликнинг ошишига катта йўл очиб берди. Дабдабабозлик, амалий иш ўрнига шовқин-сурон солишга чек қўйилди. Ҳамма жойда ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ўюшқоқлик билан иш кўрилди.

Партия, ҳукуматимиз томонидан пахтакорларга кўрсатилаётган моддий ёрдамлар, янги машиналар, кўплаб минерал ўғитлар берилиши, колоқ хўжаликлар зиммасидаги қарзларнинг бутунгай кечиб юборилиши, деҳқончилик маҳсулотларининг харид қилиш нархлари оширилганлиги — муваффақиятимиз гарови бўлди. Областимиз меҳнаткашлари партия ғамхўрлигига жон қуйдириб ишлаш билан жавоб бермоқдалар.

Область, район партия комитетлари партиявий ишга, оммавий-сиёсий ишга жонли, ижодий иш, деб қарадилар. Шунинг учун ҳам иш оқсаган, оғир вазият юз берган жойларга ишнинг кўзини биладиган, малакали, серҳаракат, билимдон, уддабурон кадрлар юборилди. Ҳозир колхоз раислари, совхоз директорларининг 43 процента, партия ташкилотлари секретарларининг 52 процента олий ва тўлиқсиз олий маълумотли кишилардир. Уларнинг кўпчилиги мутахассис кадрлардир.

Район ташкилотлари илғаригидек колхозлар, совхозлар ва қишлоқ хўжалиги органларининг ишига бўлар-бўлмас нарсалар учун аралашаётганлари йўқ. Бўйруқбозлик практикасига барҳам берилди. Раислар, директорлар, партия ташкилотлари секретарлари ва мутахассисларнинг мустақиллиги кенгайтирилди. Жуда кўп масалаларни уларнинг ўзлари бамаслаҳат ҳал қиладиган бўлиб қолдилар.

Коммунист, комсомолдар пахта йиғим-терими даврида шахсий намуна кучини, ташаббус ва ташкилотчилик кучини кўрсатдилар. Коммунистлар армиясининг кўпчилиги белга этак боғлаб далага чиқди, «зангори кема»ларни бошқарди. Улар умумхалқ мусобақасининг байроқдорлари бўлдилар, кўкўпар хирмонни барпо этишда маҳорат, ғайратларини намойиш қилдилар. Қисқаси, ҳар бир коммунист ўз партиявий бурчини муқаддас билиб, бутун жўшқин фаолиятини умумхалқ ишига бағишлади.

Область пахтакорлари қўлга киритган ғалабанинг яна бир сири шуки, деҳқончилик маданияти тинмай ошириб борилянти. Пахтачиликдаги қийин, деҳқон тинкасини қуритадиган оғир қўл меҳнати техника зиммасига юклатилди. Пахтакор хўжаликларда 214 комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадаси тузилди. Бу бригадаларнинг кўпчилигига тажрибали коммунистлар раҳбарлик қилмоқдалар. Бундай бригадаларда бошқа бригадалардагига қараганда юқори ҳосил етиштирилмоқда.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, эндиликда «зангори кема»лар пахта теримида ҳукмронлик ролини эгаллай бошлади. Ҳозиргача машиналар бункеридан тўкилган пахта бултур мавсум давомида машинада терилган пахтадан ортиб кетди. Тайёрланган пахтанинг деярли ҳаммаси пунктларга қоп-қанорсиз ташилди. Область совхозларида етиштирилган ҳосилнинг 50 процентидан кўпроғи машиналарда териб олинди. «Гулбоғ» ва «Савай» совхозларида эса ҳосилнинг 70 проценти машинада терилди.

Бўз, Задарё, Чуст, Наманган, Янгиқўрғон районларидаги «Янги турмуш», «Правда», «Москва», «Партия XXII съезди», «Шарқ юлдузи» колхозлари ва кўпгина хўжаликларда машинада пахта териш плани муваффақиятли бажарилди.

Избоскан районидаги 8-совхоз, Янгиқўрғоч районидаги «Москва», Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозларининг Ф. Собиров, М. Шароффиддинова, А. Ўринов каби механик-ҳайдовчилари 100-150 тоннадан пахта тердилар. Машҳур механизаторларимиз: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Маннон Жалолов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мамажон Дадажонов ўртоқлар пахтани машинада теришда рекорд кўрсаткичларга эришдилар.

Область пахтакорларининг ғалабасига Наманган, Москва ва Учқўрғон, Бўз, Задарё, Чуст районларининг меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу районларда ҳосилдорлик бултургига нисбатан ҳозироқ 1,5-2 процентданга оширилди. Наманган район хўжаликларида ҳосилдорлик гектар бошига 30,1 центнердан ортиб кетди. Андижоннинг улкан хирмонига 77 минг тонна Учқўрғон пахтаси, 75 минг тонна Наманган пахтаси тўкилди.

Янгиқўрғон, Хўжаобод районларининг пахтакорлари эса планни муваффақиятли бажардилар. Ленин, Балиқчи, Қўрғонтепа районларининг меҳнаткашлари ғалаба рапорти беришга шайланмоқдалар. Андижон, Избоскан районларининг пахтакорлари эса область хирмонига 58,5-75 минг тоннадан пахта тўкдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мамадали Икромов раислик қилаётган Наманган районидаги «Ленинград» колхозида гектаридан 37 центнердан хирмон кўтарилди. Бу йирик хўжаликнинг деҳқонлари ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерденга етказиш учун курашмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қирқ беш центнерчилар ҳаракатининг ташаббускори бўлган бу колхозда бир неча марта кўрик-семинарлар ўтказилди. Уларнинг иш тажрибаси областнинг бошқа хўжаликларига кенг ёйилди. Ўнлаб хўжаликлар ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 30-35 центнерга етказдилар. Наманган, Ленин, Хўжаобод, Янгиқўрғон, Избоскан, Москва районларидаги «Партия XXII съезди», «Правда Востока», «Коммунизм», «Ленинград», «Октябрь», «Партия XX съезди», «Ленинизм» колхозлари ана шулар жумласидандир.

Ташкилий-хўжалик жиҳатдан заиф колхозлар область, район партия комитетларининг диққат марказида турди. Балиқчи районидаги Куйбишев номли колхоз қолоқ хўжаликлардан бири эди. Бу колхозда агротехника қоидаларига тузукроқ амал қилинмас эди. Колхоз правленияси ва партия комитети бу йил ўз ишини қайта қурди. Меҳнатни тўғри ташкил этди. Бригадирлар, механизаторлар, сувчилар состави малакали кадрлар ҳисобига тўлдирилди. Оқибатда колхоз қолоқликдан чиқиб, бу йил районда биринчилар қатори рапорт берди. Ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил олинди.

Маҳкам Аъзамов, Карим Ниёзов, Қобил Мирзаев, Кийикбой Хонишев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектаридан 40-45 центнердан ҳосил олинди. Қувончли дамларда юқори ҳосил усталари шаънига таҳсинлар айтамиз. Хирмонга 14-16 тоннадан пахта тўккан Зебихон Абдурахмонова, Мақсуда Эрназарова, Муҳаббатхон Жаббарова, Ҳидоят Ўринова, Ҳайитхон Исроилова каби юзлаб теримчиларнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз, уларнинг меҳнатини шарафлаймиз. Бу новаторларнинг меҳнати областимизнинг шонушҳратини оширмоқда.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Область саноати етти йиллик планни муддатидан илгари шараф билан бажарди. Давлатга пилла, ғалла, ғўшт, тухум, жун ва сабзавот сотиш юзасидан белгиланган етти йиллик планлари ҳам муваффақиятли адо этилди.

План бажарилди. Аммо колхоз, совхозларда пахта тайёрлаш қизғин давом этмоқда. Область пахтакорлари КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида турибдилар. Улар йил охиригача ўзбек халқининг олтин хирмонига 800 минг тонна пахта тўкиб, ҳосилдорликни гектар бошига 27,2 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Етти йилликнинг яхшиловчи йили областимиз учун ҳам катта ғалабалар йили бўлади.

Областда пахта тайёрлаш планининг бажарилишида студентлар, юқори синф ўқувчилари, шаҳарликларнинг салмоқли ҳиссаси бор. Улар пахтакорларга яқиндан ёрдам бердилар. Маданият муассасалари, савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, медицина ходимлари пахта йиғим-терими даврида ўз ишларини бевосита далаларга кўчирдилар, пахтакорлар хизматида бўлдилар.

Ҳозир область меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турибди. Коммунистлар, бутун меҳнат аҳли пахта теримини қисқа муддат ичида тугаллашлари, келгуси йил мўл ҳосили учун курашни оммавий бошлаб юборишлари керак. Тажриба кузги шудгор мўл ҳосил етиштиришнинг асосий шарти эканини кўрсатди. Давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим иш бир қанча хўжаликларда қизғин тус олди. Бошқа экинлардан бўшаган ерларда ҳайдов тракторлари ишламоқда. Бу ишда ҳам коммунистлар олдинги сафда бормоқдалар. Муваффақиятларимизни яна мустаҳкамлаш учун курашамиз.

МАДАД

Узоқбой САРИМСОҚОВ,
«Савай» совхозининг директори, СССР Олий Советининг депутати

□ □

Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг энг яхши фазилатларидан. Биз ҳам республикамиз ва областимизнинг катта тўйига арзигулик тўёна тайёрладик. Планни тўлдирдик, юзимиз ёруғ бўлди. 5510 гектар майдондан 27,5 центнердан хирмон кўтардик. Давлат хазинасига 15 минг 100 тонна «Савай» пахтаси тўкилди.

Ишчиларимиз бу ғалабага эришгунча катта қийинчиликларни енгиб ўтдилар. Шундай, ҳамма вақт ҳам деҳқонинг айтгани бўлавермас экан. Биз планни 20 кунда бажарамиз, деган эдик. Эзгу ниятимизни элга айтгандик. Афсуски, айтганимиз бўлмади, табиат инжиқлик қилди. Ҳар куни 3-3,5 процент атрофида пахта топширётган вақтимизда усти-устига ёмғир ёғиб, «зангори кема»ларимизни пахтазорга йўлатмай қўйди.

Лекин табиатдан нажот кутиб ўтирмадик, курашдик, йўлимиздаги тўсиқларни олиб ташлаб, пахтазор денгизига шўнғийвердик. Кунига 165-170 «зангори кема» ишлаб турди.

Алижон Бегматов, Аҳмаджон Юсупов, Зиёвуддин Қосимов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бўлимларнинг ишчилари ҳосилдорлигимизнинг фахридирлар. Бу бўлимларда пахтадан баланд-баланд тоғлар барпо этилди. «Пўлат этак»лардан 120-140 тоннадан пахта тўккан Топиболди Таваккалов, Анвар Зайлобиддинов, П. Бакиров каби ажойиб капитанларнинг номини ҳурмат билан тилга олгинг, улар шаънига такрор-такрор таҳсинлар ўқигинг келади.

МЕҲНАТИМИЗ МАҲСУЛИ

Иноможон НАБИЕВ,
Наманган район партия комитетининг биринчи секретари.

●

Машъал областимизнинг улкан хирмонини тезроқ қад кўтартириш учун олиб борилган курашга районимиз меҳнаткашлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажардик. Давлат «оқ олтин» хазинасига 75 минг тонна пахта топширдик. Топширган пахтамизнинг 95 процента биринчи сортга қабул қилинди.

Бу ғалабани қўлга киритиш учун озмунча меҳнат қилмадик. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари оммага ўртасида ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишларни кенг миқёсда кучайтирдилар. Улар КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини кишилар онгига етказиш борасида кўзга кўринарли иш қилдилар. Кадрларни саралаш, уларни жой-жойига қўйиш район партия комитетининг диққат-эътиборида бўлди.

Бригада бошлиқлари, механизаторлар, сувчилар составини уддабурон, сергайрат кишилар ҳисобига мустаҳкамладик. Районимиз бўйича 147 далачилик бригадасида бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улар ишлаб чиқаришга бевосита раҳбарлик қилмоқдалар.

Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги ва КПСС XXIII съезди шарафига бошланган мусобақада «Ленинград», «Москва» колхозларининг марду майдонлари пешқадамлик қилдилар. Бу йирик ва юқори ҳосилли хўжаликларда гектаридан 35-38 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бу хўжаликларда анчадан буён мажбурият ҳисобига пахта топширилянти.

«Партия XXII съезди», «Коммунизм», Свердлов номли, Охунбобоев номли, Димитров номли, Карл Маркс номли, «Ленинизм», Дзержинский номли колхозларинг меҳнатсевар деҳқонлари ҳам юқори ҳосил етиштириб маррага етдилар ва районимиз эришган ғалабага катта ҳисса қўшдилар.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу йил районимизда планни бажармаган бирорта колхоз, бригада ва звено қолмайди.

Меҳнатимиз маҳсулини нобуд қилмасдан териб олиш учун бошланган курашда Д. Тожибоева, М. Юнусова, Д. Деҳқонова, С. Усмонов сингари теримчилар жонбозлик кўрсатдилар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 8,5-10,5 тоннадан ошириб пахта тердилар.

Наманган шаҳар меҳнаткашлари планни бажаришда бизга яқиндан ёрдам бердилар. Бугун кўмакдошларимизга чин қалбимиздан ташаккурлар айтамиз.

Районимизда пилла, узум, жун сотиш планлари ҳам муваффақиятли бажарилди.

Пахта тайёрлаш қизғин давом этмоқда. Районимиз бўйича гектар бошига олинадиган ҳосилни 35 центнерга етказишга аҳд қилганмиз. Бу, наманганликларнинг КПСС XXIII съездига муносиб тухфаси бўлади.

400 ТОННА!

Манноп Жалолов,
Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

◆ ◆

Андижонда тўй бошланди. «Оқ олтин» диёрининг паҳлавон области рапорт берди. Хирмонимиз тоғдан баланд. Дилларимиз равшан, кўксимиз ана шу олтин чўққилар каби тоғ!

Мен ҳам бу хурсандчиликка, шодликка шерикман, улкан хирмонни барпо этишда ҳиссам бор. Кечаю кундуз пешана тери тўкдим. Меҳнат қозонида қайнадим. Машинам бункеридан 332 тоннадан зиёд «оқ олтин» ағдардим. Бу, улуғ Октябрь байрами ва КПСС XXIII съездига тайёрлаган армуғоним бўлди.

Бригадамиз чўлқувварлари жасорат кўрсатдилар. Планни жуда қисқа муддат — бешгина иш кунида бажардик. Ана сизга машинанинг қудрати!

Даламизда терим мавсуми тугади. Ҳамма майдондаги пахта териб олинди. 75 гектар бўз ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан хирмон кўтарилди. Барча ҳосилни машиналарда териб олдик.

Шу муносабат билан иш жойимни «ўзгартирдим». «Савай» совхозида дўстларимга кўмаклашяпман. Мавсумда тўрт юз тонна пахта теришга ваъда бердим. Сўзимнинг уддасидан, албатта, чиқаман.

Андижон медицина институтининг студентлари пахта теришда алоҳида намуна кўрсатишди. Студент Турсуной Мамажонова хирмонга 6 тоннага яқин «оқ олтин» териб тўкди. Суратда: ўртоқ Т. Мамажонова.
У. Раҳимов фотолари.

Йўлимиз Октябрь нури билан мунаввар!

(Бошқ биринчи бетда).

Сув ости ракетоносецлари совет Ҳарбий Денгиз Флоти куч қудратининг негизидир.

Парад охирида стратегик аҳамиятга эга бўлган ракеталар майдондан ўта бошлайди.

Ўртача масофага учириладиган ракеталар олдинда келмоқда. Бу ракеталарнинг баъзи хиллари қитъалар орасидаги масофаларни босиб ўта олади.

Ўзи юрар учириш установкаларига ўрнатилган ўта чаққон стратегик ракеталар майдонга киради. Бу ракеталар дарҳол ҳаракат қилишга ҳамиша тайёр бўлиб, ўзи ниҳоятда маневрчан ва душман зарбасига чап бериб кетадиган қуроллардандир.

Қудрати жиҳатидан тенгги бўлмаган қитъалараро баллистик ракеталар ўтади.

Занжир ғилдиракли ўзи юрар учириш установкаларига ўрнатилган ва қаттиқ ёқилғида ишлайдиган кичик габаритли қитъалараро ракеталарга навбат келади. Олимларимиз, инженерларимиз, ишчиларимизнинг жуда катта муваффақияти бўлган бундай ракеталарни душманнинг осмондаги ва космосдаги разведкаси асло топа олмайди. Айни бир маҳалда бу ракеталар агрессорга ядро билан қақшатгич зарба беришга ҳар дамда тайёрдир.

Орбитал ракеталар ракета қўшинларининг колоннасига яқин келади. Орбитал ракеталарнинг жанговар қалпоқлари Ер атрофида бир марта ёки бир неча марта айланиб учиш вақтида агрессорга қўққисдан зарбалар бера олади.

Стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета қўшинлари бошқа турдаги қуролли кучлар ва Варшава Шартномаси мамлакатларининг армиялари билан биргаликда, совет халқининг тинч яратувчилик меҳнатини, бутун социалистик мамлакатлар ҳамдўстлиги хавфсизлигини, бутун дунёда тинчлик манфаатларини мустаҳкам қўриқлар турибди.

Парад тамом бўлди.

... «Варшавянка» қўшиғининг куйи кўкка парвоз қилади. Қизил байроқлар тикилган автомашина ва мотоциклар колоннаси майдондан гизиллаб ўтади.

Физкультурачилар марши улкан рақс-намойиш ва пантомимани ижро этиш билан тугалланади. Ҳозир бўлганлар кўз ўнгида Ватанимиз тарихининг жонли саҳифалари гавдаланади Революция байроғи остида Қишки саройни штурм қилаётган ишчилар, матрослар, солдатлар, революция ғалабаларини фашизмдан ҳимоя қилаётган совет жангчилари тасвир этилади.

«Совет халқига, ҳукуматига, партиямизга шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Шон-шарафлар!» деб минглаб овозларнинг жўрлигида айтилган хитоб янграйди. Қудратли «Ура!» садоси жавлон уради, Ранг-баранг гулдасталарни кўтариб олган болалар Мавзолей томон чопадилар. Улар Марказий минбарга чиқиб, қўлларидаги гулдасталарни партия ва ҳукумат раҳбарларига тутадилар.

Спортчилар колоннасининг охирида келаётган машинада Москванинг байроғи бор. Фашист босқинчиларига қарши курашда ўз ҳимоячиларининг кўрсатган қаҳрамонлиги учун, шавкатли меҳнати учун пойтахтга берилган олий мукофотлар байроққа қадаб қўйилган.

Мана бу уч рапортдан москваликлар меҳнатда қандай қаҳрамонликлар кўрсатишаётганини яққол билиб олиш мумкин:

«Саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми бўйича етти йиллик муддатидан 5 ой илгари бажарилди».

«Уй-ҳой қурилиши бўйича етти йиллик план 6 йилу 9 ойда бажарилди».

«Етти йиллик мобайнида Москва 660 минг олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаб берди».

Меҳнаткашлар вакилларининг намойиши бошланади.

Октябрь 48 марта байрам қилинмоқда! Шу байрамлардан ҳар бирининг такрорланмас фазилатлари бор. 1965 йилда мамлакат ўз етти йиллигини якунлайди. Совет халқи партия XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида турибди, КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорларини амалга оширмоқда.

Хўжаликни янгича юргизишда ҳозиргдаёқ анча тажриба орттириб қўйган коллективларнинг вакиллари байрам колоннаси сафида келмоқда. Шулар орасида биринчи автокомбинат ходимлари ҳам бор. Ярим йил муқаддам комбинат планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методига кўчган эди. Машиналарнинг бекор туриши ниҳоятда камайди, юк оборoти 34 процент ошди. Шоферларнинг иш ҳақи кўпайди. Корхонани ривожлантиришга бир талай маблағ сарф этилди. Пойтахт транспортчилари шу тажрибани янада давом эттирмоқчилар.

Қаттиқ қотишмалар комбинатининг ишчилари Тимирязев районидаги колоннасига бош бўлиб келмоқдалар. Коммунистик меҳнат коллективи номини олган бу корхона шаҳар китобига — Ҳурмат йилномасига ёзилган. Комбинат ўзига хос бир юбилейни ўтказмоқда. У, РСФСР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини ўттиз олти марта олди!

Бу районда яна бир юбиляр бор. У ҳам бўлса — Тимирязев номли қишлоқ хўжалик академиясидир. Академиянинг тамғаси бўлган уч метрли бошоққа «100» рақами ёзилган. Қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлаб бериш соҳасида мамлакатда энг йирик олий ўқув юртларидан бири бўлган шу академия бу йил юз ёшга киради. Академия бир аср давомида 43 минг агроном, агрохимик, зоотехник, тупроқшунос, экономист тайёрлаб берди. Шуларнинг 40 мингдан кўпроғи Совет ҳокимияти йиллари мобайнида етиштириб берилди.

Ленин районининг колоннасида кўзга ялт этиб ташланадиган кишилар студентлардир. Барча намойишчиларнинг деярли ярми — беш мингга студентлардан иборат. Ленин районида еттита олий ўқув юрти, шу жумладан Москва Давлат университети бор. Студентлар «Йўқолсин уруш!», «Африка халқларига озодлик!», «Тинчликни ҳимоя қиламиз!», «Вьетнамдан қўлингни торт!» деган транспарантларни кўтариб олишган. Барча совет кишилари вьетнамлик ватанпарварларнинг мардлигига қойил қолишмоқда ва уларнинг империалистик агрессияга қарши қаҳрамонона кураши билан қардошларча бирдам эканликларини изҳор қилишмоқда. Америка интервенциячилари Вьетнам халқини енга олмасликларини Совет Иттифоқи меҳнаткашлари биладилар.

Москва Давлат университетининг вакиллари орасида Советлар мамлакатида билим олиш учун Африка, Осиё, Латин Америкасидан — жаҳондаги 95 мамлакатдан келган ёшлар кўп. Улар совет кишилари билан бирдамликларини, тинчлик ва осойишталикка интилаётганликларини намойиш қилиш учун Қизил майдонга келишган.

Байрам либосини кийган Қизил майдонга, намойишчиларнинг колонналарига, ранго-ранг жилолана ётган кўчаларга боқар экансиз, Маяковскийнинг «Олам, маълумки Кремлдан бошланади» деган мисралари ёдингизга тушади. Дарҳақиқат, улуғ мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг бошини бир жойга қовуштирган оташин дўстлик сўзлари ҳамма совет республикаларининг пойтахтларидан, Ватанимизнинг ҳамма ўлкаларидан шу ерга қанот қоқиб келаётгандек кўринади. Москвадан, Қизил майдондан эса Октябрнинг зафарли садоси — инсоният умиди ва бахт-саодатининг садоси бутун оламга баралла эшитилмоқда.

Г. ДАВИДОВ, Л. ЕРМАКОВА, В. КАЛИСТРАТОВ, А. МЕДВЕДЕВ, С. ФРОЛКИН.
(ТАСС мухбирлари).

7 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлашдаги ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун қуйидагилар СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин:

1. Милиция капитани **Абдуллахўжаев Каримжон.**
2. Ички хизмат подполковниги **Алиев Маматвали.**
3. Милиция младший сержанти **Алимов Эргаш.**
4. Милиция капитани **Алписбоев Жуман Ўринбоевич.**
5. Милиция старшинаси **Азаматов Расулмат.**
6. Милиция подполковниги **Айрумян Гурген Александрович.**
7. Милиция подполковниги **Байхутов Алайдар.**
8. Милиция старший лейтенанти **Жўраев Маматқул.**
9. Милиция старший сержанти **Икромов Қўчқор.**
10. Милиция капитани **Қурбезов Султон.**
11. Ички хизмат подполковниги **Маминконов Николай Владимирович.**
12. Милиция капитани **Мирдадаев Юсуф.**
13. Милиция лейтенанти **Мўминов Арзи.**
14. Милиция сержанти **Норов Сайдулла.**
15. Ички хизмат подполковниги **Потапов Михаил Кузьмич.**
16. Милиция майори **Рашидов Абдураҳим.**
17. Милиция старший лейтенанти **Сиойбеда Виктор Григорьевич.**
18. Полковник **Советов Николай Иванович.**
19. Ички хизмат капитани **Тэн Николай Дмитриевич.**
20. Милиция старший лейтенанти **Турсунов Тургунбой.**
21. Милиция капитани **Турсунов Юсуф.**
22. Милиция старший сержанти **Умаркулов Киргизбой.**
23. Милиция майори **Усмонов Ҳамид.**
24. Милиция капитани **Утеев Қиличбой.**
25. Милиция старший сержанти **Фозилов Ислом.**
26. Милиция капитани **Файзуллаев Зубайдулла.**
27. Милиция майори **Хирувимов Иван Абрамович.**
28. Милиция подполковниги **Черний Семен Григорьевич.**
29. Милиция капитани **Шаймуҳамметов Нуриддан Галимьянович.**
30. Милиция старшинаси **Шильцов Илья Федотович.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил, 9 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНИНГ ФАРМОНИ

А. Р. БОҚИЕВНИ «ЎТ ЧИРИШДА КЎРСАТГАН ЖАСОРАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кишиларни кутқариб қолиш ва ёнғинни ўчиришда кўрсатган жасурлиги ва уддабуронлиги учун СССР Олий Совети Президиуми номидан милиция майори Абдиқодир Раҳимович Боқиев «Ўт ўчиришда кўрсатган жасорати учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри, 1965 йил, 9 ноябрь.

АНДИЖОН АЗАМАТЛАРИ!

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ленин орденли Андижон пахтакорлари билан Ўш деҳқонлари азалдан қон-қардош. Уларнинг ерлари ҳам, диллари ҳам бир-бирларига туташ. Биз андижонликлар билан бордикелди қилиб турамиз, тажриба алмашинамиз. Гапнинг сирасини айтганда, Андижон пахтакорлари — бизнинг устозларимиз.

Бугун пахлавон область қадди-бастига яраша: салкам бир миллион тонна «оқ олтин»ни даст кўтариб, ғалаба рапорти берибди. Биз бу хушхабарни эшитиб беҳад қувондик.

Қатта ғалабангиз қутлуғ бўлсин, устоз пахтакорлар!

Т. КУЧИБОЕВ,
Қирғизистон ССР, Ўш область Араван районидаги Жданов номли колхоз раиси.

ОБЛАСТНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

АНДИЖОННИНГ улкан «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшганлар (чапдан ўнгга): Хўжарбод районидаги «Ленинград» колхозининг раиси Х. Жўраев, Бўз районидаги Энгельс номли колхозининг илғор теримчиси Офтобхон Ваҳобова, Задарё районидаги «Гулбог» совхозининг директори Тен Хай Гюн, Андижон районидаги «Янгиобод» колхозининг теримчиси Хайринисо Қорабоева, Задарё районидаги Ильич номли колхозининг бригада бошлиғи Мирзаҳошим Аҳмаджонов, Балиқчи районидаги «Правда» колхозининг механик-ҳайдовчиси Эркин Йўлдошев, Наманган районидаги Димитров номли колхозининг теримчиси Раҳима Одилова.

РАИСНИНГ ОБРЎСИ

ЛАВҲА

Чўлдамиз. Атрофга боқамиз: асрлар бўйи бурган, шувоқ, янтоқлар макони бўлган бу ерда оқ уйлар қад кўтарибди. Уйларга кирсангиз кўз қамашади, чўгдек ясатилган. Радио, телевизор антенналари кўзга чалинади. Ҳув нариги уй олдида енгил машина турибди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқнинг зийнати!

Йўл четларига экилган ёш кўчатлар яроқдан маржон тақибди. Ҳадемай бу кўчатлар улғайиб, қишлоқ яшил либос кияди. Дилимизда шундай ширин ўйлар туғилди.

«Волга» келиб қолди.

— Ниятимиз холис экан, — деди ўрта бўйли аёл машинадан тушаётиб, — тезгина топишдик.

Кулишдик. У ўзини тетик, ғоят хурсанд ҳис этарди. Қўюқ қошлари, қалин лаблари хиёл учарди. Қора кўзлари қисилиб, шўх боқарди. Унинг қарашларида қанчадан-қанча ҳавас ва завқ бор.

Ву аёл ким? У, шу қишлоқнинг обрўли кишиси — «Янги турмуш» колхозининг раиси Тошхон Ҳожиқосимова.

— Тағин беш-ўн йилдан сўнг бу ерда гўзал шаҳарча «туғилади». Теп-текис асфальт йўлларнинг ёқаларида Наманган олмасидек олмалар ҳил-ҳил пишиб турган бўлади. Ишкомлардаги ҳусайни узумлар олтинден товланиб туради! Шундай орзуларимиз бор.

Тошхон ғоят тўлқинланиб, ишонч билан гапирарди. Оддий ўзбек ёлларининг чўли-биёбонга келиб яхши ўй, яхши истаклар билан буюк ишга қўл уриши катта жасорат эмасми?

Сухбатимиз қизғин давом этарди. Гапга берилиб кетиб, олтинзорга қандай келганимизни сезмай қолибмиз. Чўлқуварлар шўр ерда ҳам гул ундиришибди. Гўза тупларида шигил-шигил чаноқлар оғзини очиб ётибди. Гарчи колхоз уч ҳафта ичида пахта тайёрлаш йиллик планини Бўз районидагина эмас, Андижон областида биринчи бўлиб бажарган бўлса ҳам, далада ҳали хосил сероб. Тошхон тухумдек кўсакларни эзъозлаб, ушлаб кўрарди.

— Асалари гулдан-гулга қўниб бол йиғади, деҳқон эса ҳар туп кўчат ёнида минг марта парвона бўлади. Пешана теридан олтин ундиради, — деди Тошхон, — шунинг учунми, чаноқдаги олтин толаси менга мўъжизадек туюлади. Уни фарзандимдек ардоқлагим келади.

Раис бизни картадан-картага бошлади. Йўл-йўлакай янги ер ўзлаштиришдаги кийинчиликлар, чўлнинг ўжар шамоли, чўл чиввни, хўжаликнинг экономикасини кўтариш, ҳосилдорликни ошириб бориш тўғрисидаги режаларини айтиб берди.

— Раҳбар ходимнинг меҳри дарё бўлиши, ундан колхозчилар баҳра олиши керак, — дейди Тошхон ўйчан кўзларини бир нуқтага қадаб, — инсон кўнгли кози. Бировнинг дилига кириб бориш қийин, меҳнатсиз иш бўлмаса керак, деб ўйлайман. Мен буни шу колхозга келган кунимоқ сезганман. Ўшанда ҳар хил тоифадаги кишиларни қовуштиролмай, қанчалик қийналганларим ҳали-ҳали эсимда.

... Бир минг тўқиз юз олтмиш иккинчи йил эди. Тошхон собиқ Олтинкўл район комсомол комитетининг секретари эди. У Сариғўғ массивидаги «Янги турмуш» колхози райондаги кам ҳосилли хўжалик экишини беш бармоғидек биларди.

Қалбида ватанпарварлик ҳисси туғён ураётган Тошхон ана шу камқувват колхозга бориб ишлаш истагини билдирди. Унинг талаби қондирилди. У келишга келдию бармоқ тишлаб қолди. Колхозлаги айрим «донишманд»лар ҳунарларини кўрсата бошладилар. Баъзилар моддий манфаатдорлик йўқлигидан нолишди. Колхозда ҳосилдорлик ўн икки центнердан ошмасди. Меҳнат ҳақи ҳам ҳосилига яраша эди.

Янги раис активларнинг юрагига қўл солиб кўрди. Айримлари ўзларини жонкуяр киши қилиб кўрсатишга урниса-да, орқа-варатдан:

— Аёл кишининг қўлидан нима иш келарди, чўл қувишни сенга ким қўйибди,— деган аччиқ-аччиқ несатиқлар бўлди.

Бундай таъналар раисни руҳлантирди. У бу билан Тошхоннинг елкасидаги оғир юкни олиб ташлагандай бўлди.

Тошхон яна чўлда! У одамлар билан самимий суҳбатлашди, уларнинг ўйларини, эҳтиёж ва талабларини ўрганишга жазм қилди ҳамда зарурларига ёрдам қўлини чўзди. Ишга чиқаётганлар тўғрисида алоҳида қайғурди. Тошхонинг хушмуомаласи «ўжар» кишиларни ҳам ўйлантириб қўйди. Уларда «раисимиз дуруст чиқиб қолди-ку» деган фикр туғила бошлади.

Турсуной Каримова ҳам Тошхоннинг колхозидан муттасил хабардор бўлиб турди. Колхозга ёрдам кучайтирилди. Одамларда адлақандай ўзгариш, колхоз ишига қизиқиш туғилганини сезиш қийин эмас эди. Буни кўриб Тошхоннинг умиди алангалана бошлади. Энди у бу алангани тобора кўпроқ шуъалантирсам, деган ўй билан яшарди. Лекин унинг орзу умидлари осонгина рўёбга чиқмади. Айрим биркасар деҳқонлар ўз билганини қилишга интиларди.

Бир куни Тошхон Карим Тожибоев бошлиқ бригадада қузда шудгорлаб, яхоб берилган ерни трактордa қайта чуқур ҳайдашаётгани устидан чиқиб қолди.

— Тўхтанг, бу нима қилганингиз? — деди раис мулойимлик билан, — бўз ер шароитида бундай қилиш ярамайди.

— Шунақами, — деди бригадир раисни назар-писанд қилмасдан, — кўпдан бери ўзини оқлаб келаётган тажриба энди ўтмай қолдими?!

— Қизишманг, Карим ака, — раисни қувватлади агроном Салимжон Ражабов, — қузда шудгорлаб, яхоб берилган ер қишда дам олади. Тупроқ таркибидаги туз пастга тушиб кетади. Агар бундай ер баҳорда ҳайдалса, пастдаги шўр яна юзага чиқади. Унга ташланган чигитнинг тенг ярми униб чиқмайди. Бу, кўчатнинг ярми йўқолди, деган сўз.

— Кўчат қалин бўлгани билан янги ўзлаштирилган ерда кўп ҳосил олиб бўлмайди, — деди Карим ака отдан тушса ҳам узангидан тушгиси келмай.

— Бўлади, жуда бўлади! Вақт келадики, гектаридан ўттиз центнердан ошириб ҳосил оламиз, — деди Тошхон.

Тошхон ўз гапини ўтказди. Ернинг юза қатлами юмшатилди, борона қилиниб, чигит экилаверди. Чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди. Ҳадемай, уруғ текис униб чиқди. Озиқлантириш, икки томонлама парваришдан сўнг гўза аркин ўса бошлади. Тошхоннинг чеҳрасидан нур ёғилди. Карим Тожибоев каби «миришкор» деҳқонлар эса уялиб қолишди.

Ҳосил кўчатдан чиқди. Деҳқон қанча кўп тер тўкса, кўчат шунча кўп «совғалар» инъом этади. Раис кишиларга шундай деб уқтирарди.

«Тўқишувлар» йили кутилганидан эртароқ қўшалоқ тўй билан якунланди. У бошқаратган хўжаликда пахта тайёрлаш плани ошириб бажарилди. Колхоз ташкил топган йилдагига қараганда ҳосилдорлик анча ошди ёки пахтадан эллик олти минг сўм кўп даромад қилинди. Шунда Карим Тожибоев:

— Баракалла синглим, мен янглишган эканман, — деди.

Шундан бошлаб раиснинг обрўсига обрў қўшилди. Уни ҳамма ҳурмат қиладиган, чизган чизиғидан чиқмайдиган бўлиб қолди.

Қўшалоқ тўй деди. Шундай. Агроном Салимжон ҳар ишда Тошхонга кўмакдош бўлди, қийинчиликларни бирга енгишди. Хўжаликни бошқаришда бир-бирларига таянишди. Ана шу ҳамжиҳатлик, иноқлик, дўстлик уларда муҳаббат учқунларини пайдо қилди ва икки чўлқувар ширин орзулар билан турмуш қурдилар...

Мана, бугун ҳам Тошхон ўша «тўқишувлар»ни хотирлаб, иноқлик, дўстлик ҳиссиёсини ҳузур қилиб тингладим, ҳатто кунинг кеч бўлганини ҳам пайқамай қолдим...

Ҳозир Тошхон Ҳожиқосимова янги марралар режасини чизяпти.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири, Бўз райони.

ҲИССА

М. ЖУРАЕВА,
Балиқчи районидаги Қуйбишев номли колхоз теримчиси

Андижоннинг осмонўпар хирмонини барпо этишда меҳнатга лаёқатли ёшу-қари, ҳамманинг улуши бор. Бу йилги мавсумда областимизда планнинг бажарилишига 12,5 тонна пахта териш билан ҳисса қўшдим. Бу билан фахрланаман.

Колхозимизда хирмонга 10 тоннадан ошириб пахта тўккан теримчилар кўп. Мастура Азимова 12 тонна пахта терди. Бу, айтишга осон. Аммо уни чаноқлардан бирма-бир териб олиш учун қанчадан-қанча меҳнат сарфлайди киши.

Муборак Мамадалиева ҳам Мастурахон билан басма-басга ишлади. Унинг мавсум бошидан бери терган пахтаси 11 тоннага етай, деб қолди. Дугонам Башорат Усмонова ҳам жонажон партиямизнинг бўлажак XXIII съезди шарафига бошланган мусобақада пешқадамлик қиляпти. Ҳисоб-китобларга қараганда, унинг терган пахтаси 11 тоннадан ошиб кетибди.

Пахта тайёрлаш йиллик планини районимизда биринчилар қатори ошириб бажарган колхозимиз далаларида ҳали ҳосил сероб. Бу, зиммамизга катта масъулият юклайди. Бизга маҳтал бўлиб турган ана шу ҳосилни сира нобуд қилмасдан териб олиб, давлат омборига тўкишимиз керак. Ҳозир ана шу муқаддас ният йўлида астойдил ишлаяпмиз.

АНДИЖОН КЕЛДИ

Олтин кузда ўнта ботир, ўнта паҳлавон,
Марра кўзлаб йўлга тушди ҳосил елкада,
Тенг кўзғолди ўз ериди ҳар бири шодон,
Чекган ранжи, ташвишлари қолди орқада.
Бирин-кетин етиб келди кутган маррага,
Мушкулларни енгиб, қилди аҳдига амал.
Карвон суриб, кирпиш гўзал ғолиб даврага,
Энди ўша элга машҳур паҳлавонга гал.
Бу паҳлавон Андижондир, ҳар қадами эпл,
Меҳнат билан дур ўстирди бу азиз ерда.
Ўзига зўр ишонч билан келолди дадил,
Хирмон-хирмон пахта билан машҳурдир элга.
Елгиз ўзи бир миллионча тоннага кафил,
Шундан унинг йўлда толиб салмоқланиши.
Унга ога-иниларн ҳар йили қойил,
Шундан унинг эл бағрида ардоқланиши.
У орқада қолгани йўқ, қолмас ҳеч қачон,
Унинг оёқ олишлари юкка яраша.
Бошласа ҳам катта ҳосил тўйини Ватан,
Кўнгли унда бўлиб турди, чорлаб ҳамиша.
Келди мағрур, ёмғирларда ҳам давон ошиб,
Тўйга улуғ тўёналин ўктам Андижон.
Келди байрам арафаси севинч улашиб,
Қувончларга тўлиб кетди ҳар бир хонадон.
Қарши олди Ўзбекистон очиб кенг кучоқ,
Кўнглидаги зўр ишончи — пахта тогини.
Тўйи тўйдай бўлди келгач Андижон шу чоғ,
Тик кўтариб ғалабанинг зар байроғини.

Восит САЪДУЛЛА.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Даалатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ёзиладилар

АНДИЖОН ОБЛАСТИ (область партия комитетининг секретари ўртоқ **А. Ҳайдаров**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **П. Қаюмов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **С. Қурбонов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **М. Мирзаахмедов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **М. Шамсибоев**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Н. Лапшин**, область сугориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **К. Абдуллаев**).

Бухоро областидаги **КОГОН РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Н. Сандаҳмедов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **С. Шеров**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ф. Каримов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Т. Ҳалимов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Н. Жуков**, район сугориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **В. Косолапов**).

Андижон областидаги **ЯНГИҚУРҒОН РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **С. Қорабоев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **К. Исматуллаев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Б. Ҳусаинов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Х. Абдураҳимов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Ш. Абдураззоқов**, район сугориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **А. Исомов**).

Қорақалпоғистон АССРдаги **ЧИМБОЙ РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Абдреимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **У. Бекимбетов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Б. Алиев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Б. Бобожонов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **С. Ғаниев**, район сугориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Д. Давлетов**).

Андижон областидаги **ХУЖАОБОД РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **С. Йўлчибоев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Т. Ўрзибоева**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **С. Қўчқоров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Б. Холмуҳамедов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Х. Обидов**, район сугориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **С. Қосимов**).

Қорақалпоғистон АССРдаги **КЕГАЙЛИ РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **П. Холмуродов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ю. Мадаминов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **А. Қулбоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Н. Зоидов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **А. Жалменов**, район сугориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Д. Давлетов**).

Қорақалпоғистон АССРдаги **ҚУНҒИРОТ РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Абдиров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **М. Нураддинов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ш. Тўламишев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **О. Мадиёров**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Ш. Пирниёзов**, район сугориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Д. Арғинбоев**).

М. И. КИЧАНОВ

Республиканинг таниқли ходими, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ирригация ва совхозлар қурилиши Ўрта Осиё Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Михаил Иванович Кичанов оғир касалликдан кейин 62 ёшида вафот этди.

Ажойиб коммунист, Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди дунёдан ўтди.

Михаил Иванович Кичанов 1903 йилда Пермь областида деҳқон оиласида туғилди. Ўзининг меҳнат фаолиятини 1921 йили Ўзбекистонда бошлади. Бу ерда М. И. Кичанов аввал комсомол ишида, сўнг эса хўжалик ишида ишлади. У 1926 йили Коммунистик партия сафига кирди.

М. И. Кичанов 1930 йилдан то умрининг сўнгги кунларигача совет ва хўжалик органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келди. У республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР пахтачилик министрининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Главсельстрой» бошлиғи, «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасининг раиси вазифаларида ишлади. Кейинги уч йил давомида у Ирригация ва совхозлар қурилиши Ўрта Осиё Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади.

М. И. Кичанов Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишига жуда кўп куч ва ғайрат сарфлади.

М. И. Кичанов бир неча марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, бир неча чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди. Ватан олдидаги хизматлари учун у учта Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси», Қизил Юлдуз орденлари ва ССР Иттифоқи медаллари билан мукофотланган эди.

М. И. Кичанов қайси участкада меҳнат қилмасин у ҳалол ва фидокорлик билан ишлади, яхши ташкилотчи, юксак принципиал ва ўзига нисбатан талабчан инсон эди.

М. И. Кичанов республика партия ва совет активи ўртасида катта ҳурмат қозонган эди.

Ажойиб меҳнаткаш, Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, камтарин ўртоқ ва дўстимизнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланади.

Ш. Р. Рашидов, Р. Қ. Қурбонов, Е. С. Насриддинова, В. Г. Ломоносов, И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, И. И. Федюнинский, Қ. М. Муртазоев, И. М. Нажесткин, А. С. Абдалин, С. О. Азимов, Г. А. Габриельянц, И. В. Марцинюк, А. Р. Хўжаев, А. А. Саркисов, И. В. Бабков, Н. Ж. Худойбердиев, Т. Г. Зинин, А. М. Дадаянц, Р. С. Сахибоев, Е. И. Озерский, С. М. Мамарасулов, Ф. Н. Нажимов, И. Н. Низомов, Б. У. Усмонов, Ю. И. Исломов.

* * *

М. И. Кичановни дафн этишни ташкил қилиш учун Г. А. Габриельянц (раис), Н. М. Матчонов, А. А. Саркисов, А. С. Абдалин, Н. Ж. Худойбердиев ва В. А. Архангельский ўртоқлардан иборат ҳукумат комиссияси тузилди.

М. И. КИЧАНОВНИ ДАФН ЭТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ КОМИССИЯДАН

Марҳумнинг жасади солинган тобут Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мажлислар залига қўйилади. Марҳум билан видолашиш учун 1965 йил 10 ноябрда соат 11 дан 13-30 минутгача киритилади. Жасад солинган тобут соат 14-00 да олиб чиқилади. Кўмиш маросими шаҳар қабристонида бўлади.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 9 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

ХОРАЗМ — бир кунда 0,05, мавсум бошидан 115,29, **ТОШКЕНТ** — бир кунда 0,05, мавсум бошидан 111,74, **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР** — бир кунда 0,29, мавсум бошидан 107,55, **САМАРҚАНД** — бир кунда 0,17, мавсум бошидан 107,49, **СУРХОНДАРЁ** — бир кунда 0,30, мавсум бошидан 107,28, **ФАРҒОНА** — бир кунда 0,23, мавсум бошидан 102,46, **ҚАШҚАДАРЁ** — бир кунда 0,05, мавсум бошидан 100,54, **АНДИЖОН**, — бир кунда 0,14, мавсум бошидан 100,29, **Бухоро** — бир кунда 0,25, мавсум бошидан 98,12, **Сирдарё** — бир кунда 0,31, мавсум бошидан 97,26.

ЎЗБЕКИСТОН ССР бўйича — бир кунда 0,19, мавсум бошидан 103,90.

Республикада 8 ноябрь куни 6651 тонна пахта тайёрланди.

ДАЛА гвардиячилари областда давлатга пахта сотиш планининг тезроқ бажарилиши учун олиб борилган курашнинг олдинги сафларида бордилар. Улар «зангори кема»лар бункеридан қариб 150 минг тонна «оқ олтин» тўндилар. Кўргонтепа районидаги Энгельс номли колхозининг ёш механизатори Одинахон Эргашева мавсумда 100 тонна, «Савай» совхозининг механик-ҳайдовчиси Жалолиддин Иброҳимов 80 тоннадан ортиқ пахта терди. Чапдаги суратда ўртоқ О. Эргашева ва ўнгдаги суратда ўртоқ Ж. Иброҳимов.

У. Раҳимов фотолари.

ВАТАНГА, ПАРТИЯГА, ХАЛҚҚА ШОН-ШАРАФЛАР!

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Байрам либосини кийиб ясанган минглаб тошкентликлар эрталабдан бошлаб байрам колонналари тўпланадиган жойларга йўл олдилар. Оркестрлар садоси, қўшиқ ва яллалар шаҳар кўчаларини тўлдириб юборди. Октябрь революциясининг табаррук номи қўйилган тепловоз-вагон ремонти заводида айниқса тантанали кайфият ҳукм сурар эди. Унутилмас 1917 йилнинг Октябрь кунларида Тошкент бош темир йўл устахоналарининг ишчилар гвардияси буржуазиянинг сўнгги таянчига худди манг шу ердан қатъий штурм бошлади, чор Россиясининг узоқ чекка ўлкаси бўлган Туркистонда революция оловини ёқди.

Намойишчиларнинг катта-катта колонналари шаҳарнинг ҳамма томонларидан Тошкент марказига, Владимир Ильич номли майдонга юра бошлади. Тошкент гарнизони жангчилари байрам парадида қатнашмоқ учун майдонда аллақачон текис саф тортган эдилар.

Минбарларни меҳмонлар — саноат илғорлари, қишлоқ хўжалик новаторлари, олимлар, конструкторлар, адабиёт ва санъат арбоблари лиқ тўлдиришди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари, министрлар, революция ветеранлари ҳам минбарлардан жой олишган.

Ҳукумат ўйин пештоқида Карл Маркс билан В. И. Ленининг, Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарларининг портретлари. Шабада иттифоқдош республикаларнинг давлат байроқларини ҳилпиратмоқда. Байроқлар узра ҳар бир совет кишисига мўътабар бўлган мана шу сўзлар ёзилган:

«СССР халқларининг дўстлиги — абадий ва бузилмасдир!».

Қизил алвонларга: «Инсоният тарихида янги даврни — капитализмнинг емирилиши ва коммунизмнинг қарор топиши даврини очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!» деган шиор ўзбек ва рус тилларида ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республиканинг раҳбар ходимлари ҳукумат минбарида туришибди.

Эрталаб соат 10. Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, армия генерали И. И. Федюнинский майдонда саф тортган қисмларни парад қўмондони генерал-лейтенант Л. Н. Бауков билан бирга айланиб чиқади. И. И. Федюнинский қўшинларни айланиб бўлгач, минбарга кўтарилади ва жангчиларга, республиканинг барча меҳнаткашларига қарата нутқ сўзлайди.

Қўмондон уларни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати номидан ҳамда уларнинг топширувига биноан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги билан табриклайди ва қутлайди.

— Совет Иттифоқи халқлари, — деди у, — мана шу шонли санани хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида ўзларининг ижодий кучлари барқ уриб яшнаган бир вазиятда нишонламоқдалар.

Улуғ Октябрнинг порлоқ идеаллари совет халқининг коммунизм қурилишидаги тарихий ғалабаларини нурафшон қилиб турибди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планини муваффақиятли тугалламоқдалар. Ана шу плани бажариш натижасида саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми планда мўлжалланган 80 процент ўрнига 84 процент ортади.

Мамлакатда пландан ташқари миллион-миллион тонна чўян ва пўлат, прокат, нефть ва кўмир, миллиард-миллиард киловатт-соат электр қуввати ва бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Биринчи даражали социалистик индустрияга таяниб, социалистик қишлоқ хўжалигимиз ҳам ривож топмоқда.

Экономика соҳасида эришилган ютуқлар асосида совет халқининг турмуш ва маданий савияси ошди: халқ истеъмол қиладиган буюмлар ишлаб чиқариш кўпайди, аҳолига хизмат кўрсатувчи бир қанча тармоқлардаги ходимларнинг иш ҳақи муддатидан олдин оширилди, ҳаммаёжойда ишчи ва хизматчиларга тўланадиган иш ҳақининг оширилган минимуми жорий қилинди, колхозчилар пенсия билан таъмин этилмоқда ва уй-жой қурилишининг ғоят катта программаси муваффақият билан амалга оширилмоқда.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг тарихий қарорларидан илҳомланган Ватанимиз ишчилари ва колхозчилари, фан ва маданият арбоблари, барча меҳнаткашлари коммунизмнинг янги ғалабалари саря олга бормоқдалар. Мамлакатда Совет Иттифоқи коммунистик партияси XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақанинг қудратли тўлқини кенг мавж урмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 48 йиллигини экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда зўр ғалабалар билан кутиб олмоқдалар. Республика саноати шу йилги 9 ойлик планни муваффақиятли бажарди. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан пахтадан ғоят мўл ҳосил етиштирдилар ва Ватанга рекорд миқдорда—3 миллион 730 минг тонна «оқ олтин» бердилар.

Қардош социалистик мамлакатлар Совет Иттифоқи халқлари билан бир сафда туриб, ўз экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш йўлидан шахдам қадам ташлаб бормоқдалар. Социалистик давлатларнинг жаҳон системаси кишилик тараққиётининг ҳал қилувчи омилига тобора кўп даражада айланмоқда. Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати ҳозирги замонда жаҳонни революцион тарзда ўзгартирувчи қудратли куч бўлиб қолди.

Совет Иттифоқининг ва жаҳон социалистик системасидаги бошқа мамлакатларнинг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати билан миллий озодлик курашининг муваффақиятлари империализмнинг агрессия кучларини қаҳр-ғазабга келтирмоқда. Тарихнинг зафарли одимини кўриб, халқларнинг озодликка астойдил интилаётганлигини кўриб, ваҳшиёна ваҳимага тушиб қолган империалистлар бизнинг Ватанимизга ва бошқа социалистик мамлакатларга қуролли ҳужум қилишдан иборат жинояткорона планларни тузмоқдалар.

Америка империализми жаҳолатпарастликнинг маркази, реакция ва урушнинг суянган тоғи бўлиб майдонга чиқмоқда. Халқаро жандарм бўлишдек қонхўрлик ролини ўз зиммасига олган Америка Қўшма Штатларининг империалистлари Жанубий Вьетнамда ҳарбий интервенцияни давом эттирмоқдалар, Вьетнам Демократик Республикасининг шаҳар ва қишлоқларига осмондан ваҳшиёна ҳужумлар қилмоқдалар. Доминикана Республикаси, Конго ҳамда бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига сурбетлик билан аралашмоқдалар, урушнинг тобора янги-янги ўчоқларини вужудга келтирмоқдалар.

Империалистик агрессорларнинг ана шу хатарли кирдикорларини кўриб, Коммунистик партия, Совет ҳукумати, бутун совет халқи Ватанимиз куч-қудратини тағин ҳам баланд поғонага кўтармоқдалар. Уларнинг ҳормай-толмай қилаётган ғамхўрликлари туфайли Совет Қуролли Кучлари қурол-яроғларнинг энг замонавий, жаҳонда энг яхши турлари билан таъминлаб қўйилди. Бу қурол-яроғлар фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари негизида барпо этилган. Бизнинг шавкатли Қуролли Кучларимиз социализмнинг салобатини ва енгилмас куч-қудратини ўзида мужассамлаштириб турибди.

Туркистон ҳарбий округининг қўшинлари ўзларининг фахрли жангчилик бурчларини ғоят эҳтиёт билан адо этмоқдалар. Улуғ ленинчи партия теварагига маҳкам жипслашган округимиз қўшинлари Ватанимиз, жанубий чегараларида Улуғ Октябрнинг оламшумул-тарихий ғалабаларини бундан буён ҳам олий ҳимомат ва шараф билан зийрак туриб қўриқлай берадилар.

И. И. Федюнинский Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 48 йиллиги шарафига, коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзида барча кишиларнинг тинчлиги ва бахтсаодати учун мардона курашчи — улуғ совет халқи шарафига, ғалабалар билан шон-шуҳрат қозонган шавкатли Совет Қуролли Кучлари шарафига, жонажон Совет ҳукумати шарафига ва Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига хитоб сўзларини айтади.

Майдон узра қудратли «ура» садолари янграйди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнлари тантанавор садо беради. Тўпларда ўқ узиб берилган салют гими қуйларига ҳамоҳанг бўлиб кетади.

Ҳарбий парад бошланади. Офицерлар ва солдатлар, ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари дурқун-дурқун қадам ташлаб, тантанавор саф тортиб ўтадилар, жанговар техника майдонга кириб келади. Совет Армиясининг ифтихори бўлган ҳайбатли ракеталарни минбардаги кишилар гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Туркистон ҳарбий округининг жангчилари ўзларининг бенуқсон маҳоратларини, юксак даражадаги жанговар санъатларини, ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба бериш учун тайёр турганликларини намойиш қиладилар.

Одамларнинг сермавж тўлқини: В. И. Ленин майдонини тўлдириб юборади. Тошкентликлар меҳнаткашларнинг буюк доҳийлари Маркс, Энгельс, Ленин портретларини кўтариб ўтадилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини шарафловчи шиорлар ва транспарантлар кишиларнинг бошлари узра чайқалади.

Байрам колонналарининг биринчи сафларида — революция ветеранлари, шиддатли революцион курашда Совет ҳокимиятини қарор топтирган, янги социалистик давлатга негиз солган кишилар бормоқдалар. Улар орасида ўзбек хотин-қизларидан биринчи бўлиб паранжи ташлаган Ш. Ғойибжонова, қизил гвардия отрядининг командири Ф. Н. Желтиков, унинг жанговар сафдошлари С. М. Тошхўжаев, Қ. Маъзумов, Т. А. Паршин ва бошқа кекса большевиклар бор. Гражданлар уруши қаҳрамонлари кетидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари майдонга кирадилар.

Бамисоли авлодлар эстафетасини қабул қилиб олаётгандек улардан кейин болалар ўтишади. Пионерлар билан мактаб ўқувчилари қаҳромонона қирқ саккиз йил мобайнида мамлакатимиз босиб ўтган катта йўлнинг тимсоли бўлган космик кема макетини кўтариб олишган. Қудратли социалистик давлатимиз қолоқ чор Россиясига сира ҳам ўхшамайди. Ҳозирги Ўзбекистон эса, революциядан аввалги даврдагига қараганда бундан ҳам кўпроқ ўзгарди. Республикамизнинг муваффақиятларини ўлчамоқ учун космик рақамлар керак бўлади.

Намойишчилар кўтариб олган рангбаранг панноллар индустриал Тошкентнинг меҳнатдаги ажойиб муваффақиятларидан қисқа қилади. Шаҳар меҳнаткашлари етти йиллик муддатидан олдин бажарилганлиги тўғрисида, ўзлари байрами қандай совғалар билан кутиб олганликлари ҳақида фахрланиб рапорт берадилар. «Ташкенткабель» заводининг ишчилари Ер атрофини ўттиз икки марта «айланиб чиқдилар». Шу йилнинг атиги ўн ойи ичида корхона ишлаб чиқарган сим ва кабеллар билан планетани шунча марта ўраш мумкин. Тошкент тўқимачилари етти йиллик мобайнида бир ярим миллиард метр газлама тўқиб бердилар. Ўзбек пахтакорларининг давлатга Октябрь байрами кунигача инъом қилган 3 миллион 730 минг тонна «оқ олтин»ини айтмайсизми!

Бинобарин, оқ алвонга ўраб олинган пахта чаноғи байрам намойишининг ўзига хос эмблемаси бўлиб қолгани бежиз эмас. Тошкент меҳнаткашлари ҳам мўл-кўл пахта учун олиб борилган умумхалқ курашига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Тошкентнинг ишчилар синфи етти йиллик ичида пахтакорларга ўттиз беш мингга яқин пахта териш машинаси берди. Бу машиналар пахта учун қурашда Ўрта Осиё, Закавказье ва Қозоғистон республикаларидаги колхоз ва совхозларга жадал ва қатъий муваффақиятга эришишда қўмаклашди. «Ташсельмаш» заводининг токари Иван Вахрушев, сверловкачиси Софья Нуруллина, темирчилик-пресс цехининг мастери Абдулла Қосимов ва уларнинг минглаб ўртоқлари ҳақли равишда пахтакорларнинг ана шу ғалаба шодиёнасига шерик бўлмоқдалар.

Машинасозлик корхоналарининг цехларида, конструкторлик бюроларида янги мукаммал ва серунум машиналар бунёдга келмоқда. Тўкилган пахтани териб берувчи механизм намойишнинг фахрий қатнашчиси бўлди. «Ўзбексельмаш» заводининг коллективи бу йил ана шу машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Намойишчиларнинг колонналари майдоннинг яшил гилами узра савлат солиб турган 3.800.000 рақами ёнидан ўтиб боришмоқда. Республикадаги ҳар бир меҳнаткашнинг фикри зикри ҳозир ана шу рақамда. Ўзбекистон етти йилликнинг тугалловчи йилида мамлакатга шунча миқдорда пахта беришга ваъда қилди. Республика ўзининг Ватан олдидаги интернационал бурчини шараф билан бажаришига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

«КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз!», «Партия XXIII съездини муносиб кутиб оламиз!». Намойиш қатнашчилари кўтариб ўтаётган транспарантларда ана шу сўзлар қайта-қайта кўзга ташланади. Тошкент саноатининг ходимлари Коммунистик партия ва совет халқи ҳаётидаги шонли воқеа шарафига совға қилиб етти йиллик топшириқдан ташқари икки юз миллион сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бел боғладилар.

Майдондан жўшқин дарёдек ўтиб бораётган янги-янги колонналарнинг охири кўринмайди. Завод ва фабрикаларнинг янги-янги номлари ёзилган паннолар кўтариб ўтилмоқда. Бинокорлар билан монтажчилар, тикувчилар билан пойафзалчилар, темирйўлчилар билан энергетиклар, озиқ-овқат саноатининг ходимлари куй, қўшиқ билан, шўх рақсга тушиб ўтишмоқда. Ғалаба рапортларининг рақамлари ҳам ўзгариб бормоқда. Тошкент уйсозлик комбинатининг коллективи 5 йил мобайнида ўз корхонасининг унумдорлигини ошириб, йилига 15 минг квадрат метр ўрнига 180 минг квадратметр уй-жой ишлаб чиқармоқда. Биринчи пойафзал фабрикасининг ишчилари 7 ноябрга қадар пландан ташқари 65 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарганликларини маълум қилмоқдалар.

Ешлар айтган қўшиқ майдон узра янграб кетади. Республика пойтахтидаги жуда кўп олий ўқув юртлари ва техникумларининг студентлари ўтиб боришмоқда. Бўлғуси мутахассислар навқирон қалбларимизнинг бутун ҳароратини, бутун куч ва қувватимиз, билимимизни халққа хизмат қилишдан иборат буюк ишга бахш этамиз, деб партия билан ҳукуматни ишонтиришади. Ўрта Осиёдаги энг кекса олий ўқув юрти — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг байроғи офтоб нурларида тобланади. Осиё ва Африка мамлакатларидан келган йигит ва қизлар — Патрис Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университети тайёрлов факультетининг тингловчилари университет колоннасида совет студентлари билан бирга майдондан ўтмоқдалар.

Минбардагилар фан арбобларини қизғин қутлайдилар. Ўзбекистон олимлари халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Фан билан практиканинг бир-бирига маҳкам пайванд қилиб юборилганлиги техниканя жадал тараққий эттиришнинг, социалистик экономиканя янада ривожлантиришнинг гаровидир.

Санъат ва адабиёт ходимлари ўтиб бормоқдалар. Қаҳрамонона давримизга муносиб асарлар яратиш билан улар янги коммунистик жамият йўлини дунёда биринчи бўлиб очиб бераётган совет кишисининг улуғлиги ва унинг гўзал қалбини ёрқин ифодалаб бормоқдалар. Байрам намойиши узоқ вақт давом этди. Октябрь намойишида тошкентликлардан икки юз мингдан ортиқ киши қатнашди.

Халқ шодиёнаси Ленин номли майдондан шаҳар кўчалари ва майдонларига, скверлари ва паркларига, ишчиларнинг клублари ва маданият саройларига, меҳнаткашларнинг хонадонларига ёйилиб кетди. Республиканинг бутун пойтахтидаги халқ сайилдари ярим кечагача давом этди. Тун пардаси шаҳарга ўз сепини ёйбошлаганида ранг-баранг чироқлар осмонда порлаган байрам салютига кўшилиб кўзни қамаштира бошлади.

(ЎзТАГ).

Тошкент. Ленин майдони. Суратда: меҳнаткашлар вакилларининг намойиши.

А. Тўраев фотоси.

БУГУН — СОВЕТ МИЛИЦИЯСИ КУНИ

ХАЛҚ МИЛИЦИЯСИ

Х. ЯҲЕЕВ,
Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министри.

Бугун Совет милицияси куни. Бу тарихий санани фақат кўк шинель эгалари — милиционерларгина эмас, балки бутун совет халқи зўр шодиёналик билан нишонлайди. Юртимизда тўйга-тўй, байрамга-байрам уланиб кетди.

Совет милицияси бутун халқимиз қаторида жуда катта юксалиш йўлини босиб ўтди. У Улуғ Октябрь фарзандидир. 1917 йил, 10 ноябрда Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин ташаббуси билан Совет ҳукумати ишчилар милицияси тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Ана шу сана милициямиз туғилган кун бўлиб, тарихга кирди.

Улуғ Ленин мамлакатимизда чинакам халқ милицияси бўлишини орзу қилган эди. Ленин васиятларига содиқ бўлган шавкатли Коммунистик партия доҳий орзу қилган халқ милициясини тузди ва уни вояга етказди. Ёш Совет давлати ўз қанотини ёзаётган ўша бўронли кунларда партиямиз ўзининг энг яхши, синалган, содиқ кадрларини милиция сафига юборди. Совет милицияси бешиги тепасида партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбоблари М. И. Калинин, Ф. Э. Дзержинский, М. В. Фрунзелар турди. Уларнинг таълимини олган милициямиз партиявий ҳушёрлик ва садоқат руҳида тарбияланди. Совет ҳокимиятининг душманларига қарши шафқатсиз курашишни ўрганди, революция зафарларининг содиқ посбонлари бўлиб қолди.

Совет милицияси — чинакам халқ милициясидир. Чунки у халққа хизмат қилади, меҳнаткаш омманинг манфаатини кўз қорачиғидай сақлайди. Милициямиз халқчиллигининг яна бир боиси шундаки, унинг ходимлари, раҳбарлари ишчи, колхозчи, зиёлилардан чиққан.

Милиция ходими зиммасига фахрли ҳам масъулиятли вазифа юклатилган. Партия ва халқ қўйган вазифаларни кўк шинель эгалари ҳамиша шараф билан бажариб келмоқдалар. Жамоат тартибини сақлаш, социалистик мулкни қўриқлаш, жамоат тартибининг ҳар қандай бузилишига қарши аёвсиз курашиш, жиноятнинг олдини олишда маҳорат кўрсатиб ишлаётган минглаб милиция ходимлари номларини айтиб ўтиш мумкин. Ўз маҳорати, билими ва куч-ғайратини, зарур бўлса, ҳатто ҳаётини халқ тинчлиги ва осойишталиги учун бағишлашга тайёр турган ходимларимиз билан фахрланамиз. Мана бир миссол: Ильичев район милиция бўлимининг милиционери Эргаш Олимов бир куни хизмат тугагач уйга қайтарди. Навбатчилик вақтида ҳеч бир кўнгилсиз воқеа юз бермаганидан милиционернинг вақти чоғ эди. У уйига яқинлашганда кимнингдир каттиқ қичқирганини эшитди. Орқасига қараса кўчада бир аёл додлаб қочиб келарди. Унинг сочлари тўзиган, юзи қон. Кўлида пичоқ ушлаган бир киши уни қувиб келарди. Шу дафъа аёл қоқилиб, йиқилиб тушди. Пичоқли киши унинг устига отилди. Лекин эпчил милиция ходими Эргаш Олимов аёлни ўз танаси билан тўсиб олди. Жиноятчи милиция ходимига пичоқ урди. Э. Олимов яралганига қарамай, қонхўр безорини қўлга туширди.

Баъзан жуда мураккаб жиноятни ечишга тўғри келади. Жиноятчи жамиятга катта зарар етказиб, ҳеч бир из қолдирмай, гойиб бўлади. Ана шундай пайтда жиноятчини қидириб топиш осон бўлмайди. Милиция ходими уни излаб топиш учун ойлаб, ҳатто йиллаб бош қотиради. У бутун куч-ғайратини, маҳорати ва идрокини ишга солиб, жиноятчини осмонга чиқса оёғидан, ерга кирса қулоғидан тортиб олади.

Партия ва ҳукумат милиционерлар хизматига юксак баҳо бермоқда. Шу йилнинг март ва июлида 77 милиция ходими хизмат бурчини намунали ўтагани ҳамда жамоат тартибини сақлашдаги хизматлари учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ орден ва медаллар билан мукофотланди.

Яқинда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг милиция ходимлари ҳақида тинмай кўрсатаётган ғамхўрлигининг янги бир шаҳодатини кўрдик. Партия ва ҳукумат милиция ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш, шахсий составнинг хизмат ҳақини ошириш, милиция органларини кадрлар билан таъминлашни мустаҳкамлашга қаратилган қарор қабул қилдилар. Бу қарор ҳозир амалга оширилмоқда. Милиция сафига юзлаб коммунист, комсомол, ишлаб чиқариш илғорлари — завод, фабрика, колхоз, совхоз, қурилиш ва муассаса коллективлари юборган кишилар келиб қўшилди. Уларнинг орасида юқори малакали мутахассислар кўп. Ўқимишли, билимдон, сиёсий жиҳатдан етук, маданиятли милиция ходимлари сони кўпаймоқда.

Милиция состави ўз ишини яхши билган кишилар билан кенгайиб бораётганлиги ғоят қувончли. Лекин милиция органлари ўз олдига қўйилган вазифаларни жамоатчилик билан мустаҳкам алоқада бўлганларидагина муваффақиятли ҳал эта оладилар. Ходимларимиз орасида «милициянинг кучи халқ билан мустаҳкам алоқада бўлишда» деган шиор кенг таркалган. Бу алоқа кейинги пайтларда айниқса мустаҳкамланди. Совет кишилари, касб-корларидан катъи назар, милициянинг мураккаб ишида жон-дили билан яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар жиноятларни очишга, жамоат тартибини бузувчиларни тартибга чақиришга фаол қатнашмоқдалар. Кўнгилли халқ дружиначилари милициянинг содик ёрдамчиси, унинг ўнг қўли бўлиб қолди. Юз мингдан ортиқ ишчи, колхозчи, интеллигенция вакилларини ўз сафига бирлаштирган кўнгилли халқ дружиначилари, айниқса довюрак ёшларимиз жамоат тартибини сақлаш ва милиция сафларини мустаҳкамлаш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Дружиначилар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан халқ ўртасида катта обрў-эътибор қозондилар.

Милициямиз бундан буён ҳам ўз фаолиятида жамоатчиликка кенг таянган ҳолда иш олиб боради. Чунки бу барча муваффақиятларимизнинг гаровидир. Ана шу мустаҳкам алоқа туфайли кейинги пайтда хавфли жиноятлар сони кескин камайиб кетди. Лекин шуни айтиш керакки, жиноятларни очиш, давлат ва халқ манфаатларига зарар келтирган шахсларни жавобгарликка тортиш милиция олиб бораётган кўп қиррали ишнинг ярми, холос. Энг муҳими жиноятнинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликдир. Шунинг учун ҳам биз тарбия ва профилактика ишлари олиб боришга алоҳида эътибор бераётирмиз. Ўз навбатида бу иш яхши самаралар бермоқда. Жиноятчилар сони ҳам, тартибни бузиш ҳам камайиб бормоқда. Лекин биз жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг инсоний бурчини тўғри тушуниб, халқ манфаати йўлида ҳалол ишлаши учун, жамиятимизга доғ тушурувчи жиноий ишларнинг тағтуги билан йўқотиш учун янада хушёрроқ туриб курашмоғимиз даркор. Партия, ҳукуматнинг милиция ходимларига кўрсатаётган ғамхўрлиги, жаҳонда биринчи бўлиб коммунизм қураётган совет кишиларининг шижоатли меҳнати бизни ана шунга даъват этмоқда ва биз бу даъватни шараф билан адо этамиз.

ПОСБОНИМ

Кўзим қорачиғин қандай
асрасам,
Сени ҳам шунчалик этаман
эъзоз.
Сенга содиқликка ичганман
қасам,
Сени деб жон берсам ҳатто бу
ҳам оз.

— о —

Ахир, ўзинг менга ҳаёт
бергансан,
Ахир, ўзинг менга қанот
бергансан.
Ахир, ўзинг менга кундуз
бергансан,
Ахир, ўзинг менга юлдуз
бергансан.

— о —

Сени деб жонажон, онажон
халқим,
Тунлар ҳам кўз юммай, юраман
бедор.

Қалбимда ишқинг бор — сўнмас
бир ёлқин,
Бахтингни асраш-ла бўлдим
бахтиёр.

— о —

Қўриқчи ўғлингнинг
ташаккурини
Шу улуг айёмда яна қабул қил.
Сенга бағишладим юрак
шеъримни,
Сенинг меҳринг билан чароғон-
дир дил.

— о —

Ярқираб пешанам устида турар
Ўзинг менга инъом этган
юлдузинг.
Посбон бу ўғлинг постида турар,
Журъатим, қувончим билиб қўй
ўзинг.

Абдуқаҳҳор ҒАФФОРОВ,
милиция майори.

Марғилон шаҳар милиция бўлимида 30 йилдан буён намунали хизмат қилиб келаётган Фармон ака Ҳожибеновнинг номини бутун шаҳар меҳнаткашлари ҳурмат билан тилга оладилар. У милиция байрами олдидан ўғли Урмонни ҳам шаҳар милиция бўлимига ишга олиб келди. Ҳозир ота ва ўғил кишилар осойишталигини ҳушёр туриб сақламоқдалар. Суратда: Фармон ака ҲОЖИБЕКОВ ўғли УРМОНЖОН билан.

В. НИКИШИН фотоси.

ФУТБОЛ

МОСКВАГАМИ ЁКИ КИЕВГА?

Мамлакат футбол тарихида чемпионлик тожи пойтахтдан икки марта сафарга чиққан. 1961 йили Киевда. 1964 йилда эса Тбилисида меҳмон бўлган. Бу йил Москвада қолармикан, ёки Украина пойтахтига йўл олармикан? Агар Москванинг «Торпедо» командаси қолган икки учрашувда ғалаба қозонса киевликлар уларга ета олишмайди. Мабодо қоқилиб қолишса «Динамо» етиб олиши ва ўзиб кетиши мумкин. Бу икки команда ўртасида қўшимча матч ўтказилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. «Торпедо» ҳам, Киевнинг «Динамо» командаси ҳам ўтган куни иккитадан очкони қўлга киритди. Автозаводчилар Ростовда маҳаллий армиячиларни 1:0 ҳисобида енгишган бўлса, киевликлар ўз майдонларида Донецкнинг «Шахтер» футболчиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Бронза медалига жиддий даъвогар бўлган Москва армиячилари Минск динамочилари устидан 3:1 ҳисобида устун келди. Энг йирик ҳисоб Бокуда қайд қилинди. «Нефтяник» «Крилья Советов» дарвозасига жавобсиз бешта тўп киритди. Биринчи лига билан хайрлашган Кутаиси торпедочилари «ётиб қолгунча отиб қол» қабилида иш кўришяпти. Бу сафар улар Одесса армиячиларини 4:1 ҳисобида енгишди. «Черноморец» «Спартак»дан 0:2 ҳисобида, «Зенит» эса пойтахт «Динамо»сидан 0:3 ҳисобида енгилди.

«Пахтакор» командаси эса ўтган йилги чемпион Тбилиси «Динамо»сидан яна бир очко олишга муваффақ бўлди. Биринчи тайм натижасиз тугади. Иккинчи таймда Ш. Яманидзе ҳисобни очди. Орадан кўп ўтмай Р. Зокиров узатган тўпни Э. Абдураимов боши билан дарвоза бурчагига йўналтирди. В. Баркая командасини яна олдинга олиб чиқди. Б. Иброҳимов яна жавоб тўпини киритди. Жанговар дуранг. Ҳисоб 2:2.

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

КОМАНДАЛАР	У.	Т.	О.
«ТОРПЕДО» М.	30	50—19	47
«ДИНАМО» К.	29	50—20	44
ЦСКА	30	36—21	37
«Динамо» М.	31	38—24	35
«Динамо» Мн.	30	34—25	34
СКА Р.	31	40—32	34
«Динамо» Тб.	30	33—28	32
«Спартак»	30	25—22	31
«Зенит»	30	31—29	31
«Нефтяник»	30	32—31	29
«Пахтакор»	30	31—39	29
«Шахтер»	30	25—29	27
«Черноморец»	30	33—39	26
«Кр. Советов»	31	33—43	26
«Локомотив»	32	37—48	24
«Торпедо» Кт.	31	28—66	19
СКА О.	29	18—59	9

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

1965 йил 20 ноябрь эрталаб соат 11 да. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий совети мажлисида (Братск кўчаси, 33-уй, 5-қават)

К. М. Маҳмудов — Фалсафа фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Коммунистик меҳнат ҳаракати ва шахс маданий ривожланишининг баъзи масалалари (Ўзбекистон материаллари асосида)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИ

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг коллегияси ҳамда Мелиорация ва совхозлар қурилиши Ўрта Осиё Бош бошқармаси Ирригация ва совхозлар қурилиши Ўрта Осиё Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Михаил Иванович КИЧАНОВ

узоқ давом этган оғир касаллиқдан кейин 1965 йил 6 ноябрда вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 263. ИНДЕКС 64543. Р. 11747.